10 (614)-сон

**— 129 —** 

111-модда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУГИ

111 Суғурталовчиларнинг молиявий хисобот шакли «Молиявий натижалар тўгрисидаги хисобот» — 2-сонли шакл — суғуртага ўзгартириш киритиш хақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 3 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1945-2

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (І)-сон) ва Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўгрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 68-модда) мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 19 мартдаги 37-сонли буйруги (руйхат рақами 1945, 2009 йил 20 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами, 2009 й., 17-сон, 217-модда) билан тасдиқланган суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакли «Молиявий натижалар турписидаги ҳисобот» — 2-сонли шакл — суғуртани 480-сатрининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар

Обязательные отчисления во внебюджетный Фонд реконструкции, капитального ремонта и оснащения общеобразовательных школ, профессиональных колледжей, академических лицеев и медицинских учреждений».

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Р. АЗИМОВ

Тошкент ш., 2014 йил 24 февраль, 12-сон

